



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№17
30 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 8**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Shodmonova Mohinur Ulug'bek qizi O'TKIR HOSHI MOV ASARLARIDA ONA OBRAZI.....	7
2. Obidova Zulfiya Abduhalimovna БАДИИЙ АСАР ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ УНСУРЛАР	9
3. Ахмедова Дилдора Олимжоновна ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ	10



АДАБИЁТ

О'ТКИР HOŠHIMOV ASARLARIDA ONA OBRAZI

Shodmonova Mohinur Ulug'bek qizi
Buxoro viloyati G'ijduvon tumanidagi 8-sonli maktab
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Telefon: +99890 514 15 22
Mohinursamandar4848@mail.ru

Anotatsiya: Ushbu maqolada O'tkir Hoshimovning Onalar obrzini yaratish bo'yicha mahorati haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Ona, "Dunyoning ishlari", "Tushda kechgan umrlar".

O'zbek tili o'z tarixida ko'plab iste'dodlarni ko'rdi. Ularning o'tkir qalamlari tufayli ona tlimiz, qadriyatlarimiz, urf-odatlarimiz dunyoga tanildi. Buyuk ijodkorlarimizning aksariyati erkinlik, mustaqillik nafasini orzu qilib o'tdilar. O'tkir Hoshimov esa mustaqillikdan so'ng ham ijodini davom ettirgan mashhur va sevimli adiblarimizdan biridir.

O'tkir Hoshimov nomini tilga olganimizda, ko'z oldimizga birinchi galda sevimli asarimiz bo'lmish "Dunyoning ishlari" qissasi keladi. Chunki adabiyotimizda onalar haqida yozilgan bu kabi asar yagonadir. Qissa boshdan oxirigacha adibning Onasiga bag'ishlangan. Undagi katta-kichik hikoyalarni ONA obrazi birlashtirib turadi. Adib o'z onasi orqali jamiki o'zbek ayollarining tabiatini, fazilatlarini ochib beradi. O'z onasi haqidagi xotiralarini qalamga olish orqali onalarga chuqur ehtirom, e'zoz tuyg'ularini shakllantiradi.

Asardagi har bir hikoya orqali o'zbek ayolining ibosi, hayosi; mehnatkashligi; samimiy, soddadil; mehribon ba bolajonligi yaqqol ko'zga tashlanib borilaveradi. Jumladan, "Eng og'ir gunoh" hikoyasida onaizor jigarbandining aybini o'z bo'yniga oladi. Farzandini otasining qahridan saqlab qolish uchun to'qonni o'zi to'kib yuborganini aytib, eridan haqorat eshitadi.

"Oltin baldoq"ibning hikoyasida adibning ammasi folbinga borib, kelinining (O'tkir Hoshimov onasining) yo'qolgan bir poy ziragi uchun qo'shnisidan shubhalanib, unga tuhmat qiladi. Keyinchalik ziragi qishki kiyimlari orasida qolib ketganini bilgan Onasi tilla baldoqni qo'shnisinin keliniga tortiq qiladi. Xuddi shuningdek "Qarz" hikoyasida ham Onasining olayotgan nafaqasini qo'shni bolalarning xursandchiligi uchun sarflayotgani voqeasi tasvirlanadi. "Oltin baldoq" hamda "Qarz" hikoyalari orqali o'zbek onalarining ochiqqo'l, saxiy, ochiqko'ngil tabiatini his etamiz. Qizig'i shundaki, adib biror sahifada o'z Onasini eng sohir, dabdabali, balandparvoz maqtovlar bilan ta'rif etmaydi. O'z hikoyalari orqali buni shunday ko'rsatib beradiki, Onaning bundan-da ming barobar ortiq ta'rif-u tavsiflarga, e'tiroflarga loyiq ekanini o'zimiz anglaymiz va his etamiz.

O'tkir Hoshimov turli mavzularda barakali qalam tebratdi. Nazdimda, adibning har bir asarida uning Onasiga, umuman, barcha o'zbek onalariga bo'lgan hurmat-u muhabbati ufurib turganday. Jumladan, "Tushda kechgan umrlar" romanida ham ko'plab Ona obrazlarini yaratadi. Undagi Qurbonoyning Onasi obrazi kishini o'ziga tortmay qo'ymaydi. U pastkash va nomard odam bo'lmish Soatning shirin gaplariga, va'dalariga uchmaydi. Biroq qizining taqdiri uchun Soatning majburlovi ostida o'zini qurbon... qilishga majbur bo'ladi. So'ng...nomusga chiday olmay, o'zini halok qiladi... Asarning bu o'rinlarini o'qiganda Soatdan nafratlanmay, Qurbonoyga, uning mushfiq onasiga achinmay, yig'lamasdan, o'ylanmasdan, o'kinmasdan o'qimaslikning iloji yo'qki, bu adibning yuksak mahorati namunasi sanaladi. O'zbek ayoli uchun hayo, iffat, nomus kabilar o'z jonidan-da aziz ekanligini bor-yo'g'i ikki satrda ifodalab beradi adib.O'tkir



Hoshimov asarlarini o'qiy turib, jahondagi eng matonatli, eng kuchli; eng samimiy, eng mehribon zot ONAlar ekanligiga amin bo'lib boraveramiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Hoshimov O'. Dunyoning ishlari. Toshkent, 2008.
2. Hoshimov O'. Tushda kechgan umrlar. Toshkent, 2002.



БАДИИЙ АСАР ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ УНСУРЛАР

Andijon viloyati Buloqboshi tumani
11- maktab ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Obidova Zulfiya Abduhalimovna +998934436116

Аннотация: Мақолада мустақиллик давридан сўнг адабиётшуносликдаги ижобий таъмиллари пайдо бўлганлиги, бадиий асарни илмий жиҳатдан тўғри, холис ёритиш ва ҳаққоний баҳолашга интилиш ҳаракатларининг бошланганлиги, адабиётшуносликда биографик, психологик, қиёсий, эстетик, типологик, фалсафий, тарихий, структурал ва герменевтик таҳлил усуллари кучайганлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: сўз, адабиёт, моҳият, типологик, структурал, бадиий асар.

Сўз - илоҳий қудратга эга неъмат. «Унга улкан масъулият билан ёндашиш, сўз айтишнинг жавобгарлиги қанчалар оғирлигини ҳамиша ҳис қилиш жоиз. Сўз одамдир, сўз қисматдир, сўз миллатдир. Шу боис ҳам жамиятга, миллатга қилинадиган зулм сўзга зуғумдан бошланади». Сўз инсон моҳиятини намоён этиш салоҳиятига эга бўлгани учун, қандай сўзлашига қараб одамнинг савияси, билим даражаси, ақл-фаросати, хулқ-атвори ва у мансуб бўлган миллат ҳақида ҳукм чиқарилади. Замонавий адабиётшунослик ҳам ижодкор маърифати, миллий ва жаҳон адабиётидан нечоғлик бохабарлиги, фалсафий мушоҳада юритиш даражаси, тафаккур кўлами қанчалар кенг ва фикрлари нечоғлик теранлигидан далолат беради.

Адабиёт қолипларга бўйсунмаса-да, маълум ички қонуниятлар доирасида мавжуд бўлади. Чунки ҳар қандай қурилма таяниши лозим бўлган устунни талаб этади. Ўзида доғирлик ва гўзалликни ифода этмаган адабиёт бўлмайди. Энг кучли асар ҳам ўқувчи фикр билдирмаганча бир парча қоғоз бўлиб қолаверади. Ёзув ўқувчи эҳтиёж ва талабларига жавоб бергандагина адабиётга айланади.

Адабиётни таркиб топтирувчи унсурларнинг асосийси, албатта, образ ҳисобланади. Зотан, ижодкор бирор фаолият ва фикрни образларгагина сингдириб тасвирлай олади. Ҳар бир асарнинг, у драма ё ҳикоя, мемуар ёки ҳатто шеър бўлсин, бош марказида образларнинг қизиқишлари ётади. Ижодкор образлар фаолиятини асослай, далиллай, яъни мотивациялай олса, улар тушунарли, мантиқий бўлади.

Адабиётда хронотоп, яъни замон ва макон тушунчаси ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Чунки макон воқеаларнинг пайдо бўлиш нуқтасидир. Воқеаларда иштирок этувчи образлар эса ўқувчилар каби шу оламга тегишли. Улар доим ҳаракатда ва яшаб турган дунёлари олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қилишади. Макон инсон ҳаётини кўрсатишнинг ҳаққоний йўлидир. Агар Отабек Тошкентда эмас, Қашқарда, Мирзакарим қутидор эса Аму бўйларида яшаганида теварак-атрофга муносабатлари нуқтаи назаридан бутунлай ўзгача одамлар бўлишарди. Мантиқан “Ўткан кунлар” сюжети ҳам буткул бошқа йўналишда ривожланарди. Негаки, сюжет асардаги образлар билан рўй берган воқеалар ҳақида маълумот беради, у Отабек ёки Мирзакарим қутидор билан чамбарчас боғлиқ тарзда воқеа бўлади, қаҳрамонлар орасидаги ўзаро алоқа-муносабатлар тизимига асосланади.

Асарни ташкил қилувчи унсурлар моҳияти ва аҳамияти у мансуб бўлган йўналишга кўра ўзгармайди, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам, модерн адабиётда ҳам бадиий асарга муайян фикр асос қилиб олинади, кўзлаган мақсади бўлади. Ва асар муваффақиятини услуб – ёзувчининг сўз ва жумлалардан ижодкорона фойдаланиш йўли белгилайди. Айнан ёзувчининг қайси сўзга қайси сўз мос келиши, қайси бобдан кейин қайсиси бўлиши лозимлигини интуитив тарзда тайинлаши ўқувчини бадиий завқ билан таъминлайди. Расмий маълумотларга кўра, энг биринчи адабиёт бундан 5500 йил олдин ҳозир Ироқда яшаётган қадимий шумерлар томонидан ёзилган ва унинг ҳам исломдан олдинги ёки кейинги даврлар, ўрта асрлар адабиёти каби образлари, мавзуси мавжуд бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Д. Куронов, З. Мамажонов, М. Шералиева. АДАБИЁТШУНОСЛИК ЛУҒАТИ. – Т.: “Akademnashr”, 2010.
2. Йўлдошев Қ. Ўзлик чақинлари. «Туркистон» газетаси, 2001 йил 3 август.
3. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.
4. Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т.: Ўрта Осиё давлат нашриёти, 1924.



ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахмедова Дилдора Олимжоновна

Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси

Тел: +998935498805

ahmedovadildora4@gmail.com

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда хотин-қизлар меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари ўрганилган. Иш билан таъминланганлик хотин-қизлар орасида норасмий меҳнат миграциясини олдини олишда муҳим аҳамият касб этувчи омил сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, бандлик, тадбиркорлик, манзилли қўллаб-қувватлаш, оила институти, ижтимоий ҳамкорлик.

Мамлакатимизда сўнги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, уларнинг бандлигини таъминлашни барқарор иқтисодиёт гарови, деб баҳоланди. Шунга қарамай, бу борада хотин-қизларнинг билим ва кўникмалари етарли эмаслиги, айрим ҳолларда ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни мустақил ҳал қила олмасликлари каби муаммоли ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бу эса тадбиркорликни йўлга қўйган ва ушбу жараёни бошлаш арафасида турган хотин-қизларга қулай ва имтиёзли ишбилармонлик муҳитини яратиш, унинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини долзарблаштиради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институти мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-53-25 сонли Фармони доирасида “Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш” масаласи кўтарилди.

Ушбу фармон асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар давомида аёллар орасида учраб турадиган кўплаб муаммоларнинг асосий манбаи ишсизлик эканлиги аниқланмоқда. Хусусан, 2018 йил маълумотларига мувофиқ, республика миқёсида ишсиз аёллар сони 168 634 нафар, шундан бандлик марказларида ҳисобда турувчилар 45 892 нафарни ташкил этаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ««Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга янада ойдинлик киритди. Хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини янада оширишга қаратилган касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали уларга қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш ва бир қанча йўналишлар ушбу Дастурнинг устувор жиҳатларини ташкил этди.

Бунда “Тадбиркор аёл” уюшмаси каби нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ва рўйхатдан ўтказишда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича режа ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб хотин-қизларни мустақил фаолиятга, даромад манбаига эга бўлишга, оилаларнинг бюджетини шакллантириш ва шу орқали турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилимоқда.

Жумладан, аёллар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш соҳасида иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали республикаимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари белгиланмоқда.



Албатта, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишда эришилган ютуқлар билан чекланмасдан, балки унинг тадрижийлигини таъминлашда қуйидаги йўналишларда амалий ишларни кучайтириш лозим.

Биринчидан, республикада хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш имкониятларини ўрганиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда мутасадди ташкилотларга тақдим этиш.

Иккинчидан, республикада хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда дастурларни мониторинг қилиш, баҳолаш тизимини самарадорлигини ўлчаш учун аниқ кўрсаткичлар ишлаб чиқиш.

Учинчидан, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда аёлларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган истиқболли режаларни яратиш.

Тўртинчидан, ўрта мактаб, каб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчи қизларни, шунингдек уюлмаган аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

Бешинчидан, аёл тадбиркорлар ўртасида ўзаро амалий-ижодий ҳамкорлик муҳити, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришда бир-бирига қўмаклашиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, халқаро даражада тажриба алмашиш йўналишида бирлаштириш.

Олтинчидан, хотин-қизларнинг тафаккур тарзида туб ўзгаришларни вужудга келтириш, яратилаётган иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда тадбиркорликни эркин ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқа олиш қобилиятини шакллантириш.

Еттинчидан, хотин-қизларнинг шахсий имкониятларига ишонч туйғусини бериш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда рағбатлантириш.

Саккизинчидан, хотин-қизларнинг шарқона фазилатларини бозор иқтисодиётининг бугунги қонуниятлари билан уйғунланлаштириш.

Тўққизинчидан, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга шахсий дахлдорлик ҳиссини ривожлантириш.

Адабиётлар рўйхати

1. “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-53-25 сонли Фармони.

2. 2016 йил 29 декабрь куни “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(8-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000